

Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш учун тузиладиган

### ШАРТНОМА № 8

Нурота шаҳри

“22” июль, 2022 йил

Нурота туман дезифекция станцияси (кейинги матнларда “Иш бажарувчи” деб юритилади) номидан раҳбар М.Бозоров Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси Фармони ва Қарорлари ҳамда корхона низомига асосланган ҳолда бир томондан ва икки томондан Нурота тумани Халқ таълим бўлими

(муассаса, ташкилот, корхона номи)

(бундан кейин матнда “Буюртмачи” деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Б.Бобоназаров ушбу шартномани куйидагилар туздилар.

#### І. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома бўйича “Иш бажарувчи” “Буюртмачи”нинг буюртмачига асосан объектларда профилактик дезинфекция ва дератизация ишларини амалга оширишни “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 “Иш бажарувчи” ва “Буюртмачи” учун.

(бажариладиган ишнинг номи, микдори, маркаси, артикули)

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Физик майдони	Оператив майдони	Нархи 1 м.кв.	Суммаси
1	Хона дезинфекцияси	м2	-	1	23691000	23 691 000
2	Тизимли дератизация	м2				
3	Канализайясиз ҳожатхона	дона				
4	Ҳашаротга қарши	м2				
	жами					23 691 000

**Жами Йигирма уч миллион олти юз тўқсон бир минг суммаси:**

#### ІІ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу шартнома учун маъсул шахсни тайинлаш ва маъсул шахсга объектни ахлат камераларини санитария ҳолати, корхона ҳудудини тозаллиги, объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ бўлиш, ҳамда бажарилган ишлар бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифасини топшириш;

2.1.2. Ишлов берилётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал қилишини таъминлаш (қўлланиладиган дез. Моддага нисбатан) “Иш бажарувчи”нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектларни вақтинча ёпиш жадвалини топшириш;

2.1.3. Биноларни ишлов бериш учун ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш;

2.1.4. Хурақлар қўйиш зарур бўлган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш (назорат майдончалари, трубкалар, хурақ яшиқлари ва ҳоказо) “Буюртмачи” ҳудудида уларни йўқолиб кетмаслигини таъминлаш;

2.1.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертўлаларни сувдан тозалаш ва қуриштириш, зинапояларини, тутқичларини, полларни, таъмирлаш ва бошқа техника хавфсизлиги ва бошқа муҳофаза қилиш шароитларини таъминлаш;

2.1.6. Дератизация ўтказувчи шахслар учун ишлашга қулай шароит яратиб бериш учун девор томонидан камида 70 см очик жой қолдириш, стелажларнинг пастки томонини ердан камида 25 см юқори бўлишлиги, техник ва ковакларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлаш;

#### ІІ.І. “ИШ БАЖАРУВЧИ”НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.2.1. Профилактика дезинфекция ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан рухсат этилган дезинфекция моддаларини қўллаш;

2.2.2. Рухсат этилган ва амалга қўлланаётган тавсиф методик кўрсатма ва йўриқномаларга асосан ишлаш;

2.2.3. “Буюртмачи”га ишлатилаётган дез. моддалар ҳақида ва эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

2.2.4. “Буюртмачи”га ҳудудида кемирувчи ва ҳашаротлар тарқалишига омил бўладиган шароит ва сан. техник камчиликларни йўқотиш йўл-йўригини тушунтириш;

- 2.2.5. “Буюртмачи”нинг объектига кемирувчи ва хашаротларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида профилактик текширув ва ишлов бериш;
- 2.2.6. Кемирувчи ва хашаротлар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал курашиш ишларини олиб бориш;
- 2.2.7. Кемирувчилар сонини (Дератизация ишлари амалга оширилгандан сўнг қўлланмага асосан 3 ой муддат)да хашаротлар сонини (камида 6 ой муддат ичида) энг кам миқдорга етказиш;

### **III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

- 3.1. Мазкур шартнома 23 691 000 (Йигирма уч миллион олти юз тўқсон бир минг суммаси) суммаси: Сўмни ташкил этиб ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.
- 3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш билан олдиндан 30% ҳақ тўлаш ва қолган қисмини иш қабул қилингандан сўнг ойма-ой тўлов жадвалига асосан амалга оширилади.
- 3.3. “Иш бажарувчи”нинг айби билан “Буюртмачи” бажарилган ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда у иш ҳақини кечиктиришга ҳақли.

### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 4.1. Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар “Буюртмачи” томонидан белгиланган тартибда олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг ва бу ҳақда қун ва рақам ёзилган тўлов қозоғи кўрсатилган кундан бошлаб бажарилади.
- 4.2. “Иш бажарувчи” профилактик дезинфекция чора тадбирлари ўтказган ҳудудларда тегишли натижаларга эришилмаган тақдирда, қайта дезинфекция ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- 4.3. Иқтисодий ўзгаришлар бўлган тақдирда (дез. модда ва маҳсулот нархи, ойлик маошлари, тарифлари) “Иш бажарувчи” “Буюртмачи”га ёзма равишда маълум қилади;
- 4.4. “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган тўлов муддатини кечиктирган тақдирда, ўтган ҳар бир кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди;

### **V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.**

- 5.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо зиддиятлар тарафлар ўртасида музокара оlib бориш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Музокара оlib бориш йўли билан низо ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

**VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ** Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин. Мазкур талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар аниқланганда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган

томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

### VII ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25-32 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқоролик-ҳуқуқий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

Томонларнинг хошиш истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда “ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа офатлар “форс-мажор” туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган “етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган”лиги, шартнома шартлари ижро этиш бузилмаган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

### XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

Шартнома юридик хизмат кўрсатиш марказидан қонунга мувофиқлиги тўғрисида ҳуқуқий хулоса олингандан сўнг тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бўлинмасидан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради. Амал қилиш муддати 25 декабр 2022 йилгача қадар этиб белгиланди.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

#### “БАЖАРУВЧИ”

Нурота туман Дезинфекция станцияси  
Юридик манзили: Нурота ш  
Ш.Рашидов кўча 20уй  
Тел: 52-3-18-52  
Х/Р; 2021 0000 8004 2735 6001  
Банк; Нурота Агробанк  
МФО; 00214  
СТИР; 200031368  
ОКОНХ; 91531

#### “БУЮРТМАЧИ”

Нурота тумани ХТБга қарашли мактаблар  
Юридик манзили: М.Рахимов кўчаси №52-уй  
Тел; 795231802  
ШХР; 100022860122387092100075074  
Банк; Марказий банк Тошкент  
МФО; 00014 СТИР; 200030979  
ОКОНХ; 97600  
Ғазначилик бўлими; Нурота Ғазначилик бўлими  
СТИР; 200030979

Рахбар:

М.Бозоров



Рахбар: Б.Бобоназаров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi:**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Nurota tuman xalq ta'lim bo'limi, 16.06.2022 yil.

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,


**XULOSA:**

“Nurota tuman dezinfeksiya stansiyasi” tashkiloti va Nurota tuman xalq ta'lim bo'limi o'rtasida umumiy summasi 23 691 000 (yigirma uch million olti yuz to'qson bir ming) so'm bo'lgan (profilaktik dezinfeksiya ishlarini bajarish) xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi O'RQ-684-son Qonuni talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**Sh.Soliev**

**22.06.2022-yil.**

